# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №_36-ОБ__

Баликчи т.  «04» __07____2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси ***«Буюртмачи»*** деб аталувчи **Баликчи тумаи ХТБ** ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Н.Хакимова бир томондан ва ***«Пудратчи»*** деб аталувчи **«AND NEW HOUSE 777» МЧЖ** ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари М.Камбаров иккинчи томондан келишув асосида амалдаги конунларга мувофик тузилди.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. ***«Пудратчи»*** мазкур шартнома шартларига мувофик ***«Буюртмачи»***нинг топшириғига ва «01» _Июль_ 2022 йилдаги №_22110012113574_ сонли Лотга асосан 36-мактабга мини стадион (Воркаут) куриш ишларини бажариб беради.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар ***«Буюртмачи»*** томонидан тасдикланган сметага ва танлов комиссиясининг карори билан тасдикланган ишлар киймати (барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда) га асосан жорий нархларда **_547 050 000_** (Беш юз кирк етти миллион эллик минг ) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар киймати узил кесил хисобланиб, факатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор холатлари сабаб бўлганида кайта кўриб чикилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, 30 банк иш кунида ***«Буюртмачи»*** томонидан бажариладиган ишлар умумий кийматининг 30% ини, яъни **164 115 000 ( Бир юз олтмиш турт миллион бир юз ун беш минг )** сўмини олдиндан аванс тарикасида ***«Пудратчи»***нинг хисоб ракамига ўтказиб беради. ККС билан.

2.4. Колган 70 % и, яъни **382 935 000 ( Уч юз саксон икки миллион туккиз юз уттиз беш минг )** сўмини ***«Пудратчи»*** томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 90 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5. ***«Буюртмачи»*** охирги тўловни ***«Пудратчи»*** томонидан иш тўлик бажариб топширилиб, кабул килиш топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 90 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар ***«Буюртмачи»*** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. ***«Пудратчи»***нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни ***«Буюртмачи»***дан далолатномага асосан кабул килиб олади.

Мазкур шартномада илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 30 кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдикланган смета хужжатларига мувофик, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш хамда ***«Буюртмачи»*** га мазкур шартнома шартларига мувофик топширади.

3.2. ***«Пудратчи»***нинг хукуклари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс хак тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда хисоб китоб килинишини талаб килиш;

Бажариб берилган ишни кабул килиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни коплашишини талаб килиш;

3.3. ***«Буюртмачи»***нинг мажбуриятлари

Тасдикланган смета бўйича бажарилган ишларни кабул килиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вактида хак тўлаш;

3.4. ***«Буюртмачи»***нинг хукуклари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошка шахс томонидан тўғриланиши харажатларини копланишини талаб килиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини кабул килиш комиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда кабул килиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини назорат килиш;

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га хар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар бахосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аникланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса "Буюртмачи" тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш хуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида хак тўланмаса, хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

## V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва бу холатлар шартнома шартларининг бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро мухокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро мухокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун хужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий суди орқали хал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси хам хуқуқий жихатдан тенг кучли хисобланади.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

**«ПУДРАТЧИ»**

______________________________

«Ижро қилувчи»

**«AND NEW HOUSE 777» МЧЖ**

(етказиб берувчи номи)

Адрес:_Баликчи тумани_____________

___Марказ МФЙ__________________

Тел./факс 91 160 4070________________

х/р_20208000405452743001_________

Банк номи _АТБ Агробанк Баликчи филиали_

МФО_00066 ИНН _308979524_____

ОКОНХ__41202_________

Рахбар____ М.Камбаров________________

(Ф.И.Ш)

______________________________

(имзо)

М.Ў.

**«БУЮРТМАЧИ»**

______________________________

«Буюртмачи»

**Баликчи ХТБ**

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Адрес:__Баликчи тумани________________

____Шох куча № 1 уй_________________

Тел./факс_____________________________

ш/х* 401722860032067092100075013_____

ИНН __206933474____________

ОКОНХ__92310_____________

Баликчи тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси

Ғазна х/р:23402000300100001010

СТИР: 201122919 МФО:00014

Марказий банк Тошкент ш. Б.б ХККМ

Рахбар____ Н.Х.[illegible]ова__________

(Ф.И.О)

______________________________

(имзо)

М.Ў.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**№ UB34485260**

1. Loyihaning turi

**Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**Pudrat shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

**Baliqchi tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan 02.07.2022**

4. Mas'ul ijrochi

Baliqchi tuman adliya bo'limi huzuridagi yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yil 2-iyuл kuni "E-Huquqshunos" elektron tizimi orqali Baliqchi tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan 36-мактабда mini stadion (VORKAUT) qurish to'g'risida "AND NEW HOUSE 777" МЧЖ bilan tuzilgan pudrat shartnomasi loyihasi ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan. Shartnomani o'rganish davomida quyidagilar aniqlandi:

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 379-moddasiga ko'ra, agar shartnomaning mazmunidan boshqacha tartib anglashilmasa, u kim oshdi savdosini o'tkazish yo'li bilan tuzilishi mumkin. Shartnoma kimoshdi savdosida g'olib chiqqan shaxs bilan tuziladi. Shuningdek, kimoshdi savdosida g'olib chiqqan shaxs va kimoshdi savdosining tashkilotchisi auksion yoki tanlov o'tkazilgan kuni kim oshdi savdosining natijalari to'g'risida bayonnoma imzolaydilar, bu bayonnoma shartnoma kuchiga ega bo'ladi. Qolaversa, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi loyiha boshqaruvi milliy agentligining "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi 3016-son buyrug'i bilan tasdiqlangan "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi Nizomning 117-bandiga binoan, tanlov natijalari bo'yicha shartnoma tanlov hujjatlarida va o'zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlov ishtirokchisi tomonidan berilgan taklifda ko'rsatilgan shartlar asosida g'olib aniqlangan vaqtdan e'tiboran o'n kundan kechiktirilmagan muddatda tuziladi.

Pudrat shartnomasi loyihasi joriy yilning 2022-yil 2-iyuл kuni huquqiy espertizaga yuborilgan. https://etender.uzex.uz/ elektron savdo tizimi orqali 113574 raqamli lot bilan o'tkazilgan tanlovning g'olib aniqlangan vaqti 01.07.2022-yil. Bundan ko'rinadiki, mazkur pudrat shartnomasi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi loyiha boshqaruvi milliy agentligining "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi 3016-son buyrug'i bilan tasdiqlangan "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi Nizomning 117-bandi

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: C08548786100

talablariga rioya etgan xolda yuridik xizmat ko'rsatish markaziga ekspertizadan o'tkazish uchun yuborilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

**XULOSA QILAMAN:**

Baliqchi tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan 36-maktab mini stadion (VORKAUT) qurish to'g'risida pudrat shartnomasi loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 379, 631-moddalari, "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi va "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunlar hamda "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi Nizomning 117-bandi talablariga mos ravishda ishlab chiqilganligi sababli amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq deb topilsin.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

**04.07.2022**

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti:** **M.M.Dadaxonov**

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 113574 на приобретение Баликчи тумани 36-мактабга мини стадион (ВОРКАУТ) қуриш (О.Б)

Способ проведения электронный

Дата 01.07.2022

Время рассмотрения 01.07.2022 20:37

Конкурсная комиссия Баликчи т ХТБ марказлаш бухг мактаб, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XAKIMOVA NAZOKATXON MAXSUDOVNA | Рахбар | Баликчи ХТБ |
| **Секретарь комиссии** | YUSUPOV MUZRABSHO JALOLDINOVICH | 36-МАКТАБ ДИРЕКТОРИ | О.Б. 36-МАКТАБ МИНИ СТАДИОН |
| **Член комиссии** | URUNBAYEV ZOXIDJON SOYIBJON O'G'LI | Мухандис | ХТБ |
| **Член комиссии** | AXMEDOV YAHYOBEK ILXOMJONOVICH | 36-МАКТАБ КУК РАИСИ | О.Б. 36-МАКТАБ МИНИ СТАДИОН |
| **Член комиссии** | QIPCHAKOVA MARG'UBAXON EGAMBERDIYEVNA | Мухандис | ХТБ |
| **Член комиссии** | XAMDAMOV XURSANBOY TOJIBOYEVICH | 36-МАКТАБ ХЎЖ МУДИРИ | О.Б. 36-МАКТАБ МИНИ СТАДИОН |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 01.07.2022 года № лота 113574.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Работы по строительству и реконструкции других сооружений** |
| Подробное описание | Баликчи тумани 36-мактабга мини стадион (ВОРКАУТ) қуриш (О.Б) 2 |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 548 050 000.00 |
| Стартовая сумма | 548 050 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Моддий техника холати

Тип: Текстовое значение

Описание: Техникалари тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| AND NEW HOUSE 777 MCHJ | 5 | техника бор | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Andijon Beton Quruvchi MCHj | 5 | Таклиф | 5 | Экспертная | | |
| OOO AND QURILISH STROY | 5 | тавсия | 3 | Экспертная | | |
| MCHJ INVEST STROY GROUP 2020 | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |
| MCHJ PANDORA SYSTEM'S | 5 | Механизмлар мавжуд | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | моддий техника базаси кўрсатилмаган |
| MIRAN MEGA MANAGMENT MCHJ | 5 | Техникалари тўғрисида маълумот | 5 | Экспертная | | |
| СТАРТ СТРОЙ ЛЮКС МЧЖ | 5 | 509500000 | 5 | Экспертная | | |
| FAYZ SOHIL 2002 MCHJ | 5 | 520000000 | 1 | Экспертная | | |
| FARHODBEK TD STROY MCHJ | 5 | Баликчи тумани 36-мактабга мини стадион (ВОРКАУТ) қуриш (О,Б) 2 | 5 | Экспертная | | |
| MILANO QURILISH МЧЖ | 5 | Nizom | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | моддий техника базаси кўрсатилмаган |

Критерий №2 Vijdonsiz ijrochilarning yagona reestriga kiritilmaganligi

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш вазирлиги сайтидан

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| AND NEW HOUSE 777 MCHJ | 5 | инсофсиз ижрочилар рўйхатига киритилмаган | 3 | Экспертная | | |
| Andijon Beton Quruvchi MCHj | 5 | Таклиф | 5 | Экспертная | | |
| OOO AND QURILISH STROY | 5 | тавсия | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | ягона реестрдан маълумот олинмаган |
| MCHJ INVEST STROY GROUP 2020 | 5 | 5 | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Vijdonsiz ijrochilarning yagona reestridan olinmagan |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ PANDORA SYSTEM'S | 5 | Илова килинади | 4 | Экспертная | | |
| MIRAN MEGA MANAGMENT MCHJ | 5 | Қурилиш вазирлиги сайтидан | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Vijdonsiz ijrochilarning yagona reestriga kiritilmaganligi togrisida |
| СТАРТ СТРОЙ ЛЮКС МЧЖ | 5 | 509500000 | 3 | Экспертная | | |
| FAYZ SOHIL 2002 MCHJ | 5 | 520000000 | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Маълумот қурилиш вазирлигидан олинмаган. |
| FARHODBEK TD STROY MCHJ | 5 | Баликчи тумани 35-мактабга мини стадион (ВОРКАУТ) куриш (О.Б) 2 | 3 | Экспертная | | |
| MILANO QURILISH МЧЖ | 5 | Reestr | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |

Критерий №3 Юридик шартнома тузиш хукукийлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Фирманинг низом гувохномаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| AND NEW HOUSE 777 MCHJ | 5 | қонуний рўйхатдан ўтганмиз | 5 | Экспертная | | |
| Andijon Beton Quruvchi MCHj | 5 | Таклиф | 2 | Экспертная | | |
| OOO AND QURILISH STROY | 5 | тавсия | 5 | Экспертная | | |
| MCHJ INVEST STROY GROUP 2020 | 5 | 5 | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | 5 |
| MCHJ PANDORA SYSTEM'S | 5 | илова килинади | 1 | Экспертная | | |
| MIRAN MEGA MANAGMENT MCHJ | 5 | Фирманинг низом гувохномаси | 4 | Экспертная | | |
| СТАРТ СТРОЙ ЛЮКС МЧЖ | 5 | 509500000 | 5 | Экспертная | | |
| FAYZ SOHIL 2002 MCHJ | 5 | 520000000 | 5 | Экспертная | | |
| FARHODBEK TD STROY | 5 | Баликчи тумани 35- | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ | | мактабга мини стадион (ВОРКАУТ) қуриш (О.Б) 2 | | | | |
| MILANO QURILISH МЧЖ | 5 | Guvohnoma | 5 | Экспертная | | |

Критерий №4 Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хати, рус тили ёки узбек тилида

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати ёзишлик

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| AND NEW HOUSE 777 MCHJ | 5 | кафолат хати | 5 | Экспертная | | |
| Andijon Beton Quruvchi MCHj | 5 | Таклиф | 3 | Экспертная | | |
| ООО AND QURILISH STROY | 5 | тавсия | 5 | Экспертная | | |
| MCHJ INVEST STROY GROUP 2020 | 5 | 5 | 4 | Экспертная | | |
| MCHJ PANDORA SYSTEM'S | 5 | Коррупцияга йул куйилмайди | 5 | Экспертная | | |
| MIRAN MEGA MANAGMENT MCHJ | 5 | Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хат | 5 | Экспертная | | |
| СТАРТ СТРОЙ ЛЮКС МЧЖ | 5 | 509500000 | 5 | Экспертная | | |
| FAYZ SOHIL 2002 MCHJ | 5 | 320000000 | 5 | Экспертная | | |
| FARHODBEK TD STROY MCHJ | 5 | Баликчи тумани 36-мактабга мини стадион (ВОРКАУТ) қуриш (О.Б) 2 | 2 | Экспертная | | |
| MILANO QURILISH МЧЖ | 5 | Karupsiyaga yo'l qo'ymaslik, Amalga oshirilgan loyihalar, mavjud tehnikalar | 3 | Экспертная | | |

Критерий №5 Соликдан карзи йўқлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиштирма далолатнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| AND NEW HOUSE 777 MCHJ | 5 | солик ва махбурий тўловлардан карздорлик мавжуд эмат | 5 | Экспертная | | |
| Andijon Beton Quruvchi MCHJ | 5 | Таклиф | 1 | Экспертная | | |
| OOO AND QURILISH STROY | 5 | тавсия | 5 | Экспертная | | |
| MCHJ INVEST STROY GROUP 2020 | 5 | 5 | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Соликдан солиштирма далолатнома олинмаган |
| MCHJ PANDORA SYSTEM'S | 5 | Карздорлик мавжуд эмас | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Солиыдан Солиштирма далолатнома олинмаган |
| MIRAN MEGA MANAGMENT MCHJ | 5 | Солик ва банкдан карзи йўқлиги тўгрисида маълумот | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Соликдан солиштирма далолатнома киритилмаган |
| СТАРТ СТРОЙ ЛЮКС МЧЖ | 5 | 509500000 | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Карзи борлиги сабабли рад этилди |
| FAYZ SOHIL 2002 MCHJ | 5 | 520000000 | 2 | Экспертная | | |
| FARHODBEK TD STROY MCHJ | 5 | Баликчи тумани 36-мактабга мини стадион (ВОРКАУТ) куриш (О.б) 2 | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Солик тўловларидан карздорлиги мавжудлиги сабабли рад этилди. |
| MILANO QURILISH МЧЖ | 5 | Ma'lumotnoma | 3 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| Andijon Beton Quruvchi MCHJ | 548 050 000.00 | 528 050 000.00 | 30.06.2022 18:42:00 | 10.00 |
| AND NEW HOUSE 777 MCHJ | 548 050 000.00 | 547 050 000.00 | 30.06.2022 11:22:13 | 9.65 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| Andijon Beton Quruvchi MCHj | 57.6 | 10 | 67.6 |
| FARHODBEK TD STROY MCHJ | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| OOO AND QURILISH STROY | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| MIRAN MEGA MANAGMENT MCHJ | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| СТАРТ СТРОЙ ЛЮКС МЧЖ | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| MCHJ INVEST STROY GROUP 2020 | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| AND NEW HOUSE 777 MCHJ | 82.8 | 9.65268 | 92.45268 |
| MILANO QURILISH МЧЖ | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| FAYZ SOHIL 2002 MCHJ | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| MCHJ PANDORA SYSTEM'S | Не прошел | Не прошел | Не прошел |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 113574 от 01.07.2022 года на приобретение Баликчи тумани 36-мактабга мини стадион (ВОРКАУТ) куриш (О.Б) определила победителем:

AND NEW HOUSE 777 MCHJ
308979524

и резервный исполнитель: Andijon Beton Quruvchi MCHj (301349229)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XAKIMOVA NAZOKATXON MAXSUDOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | QIPCHAKOVA MARG'UBAXON EGAMBERDIYEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | URUNBAYEV ZOXIDJON SOYIBJON O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | XAMDAMOV XURSANBOY TOJIBOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | AXMEDOV YAHYOBEK ILXOMJONOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

*Тасдиқлайман*

*Балиқчи туман Ҳалқ таьлими бўлими бошлиғи*

*__________ Н.Хакимова*

*«____»__________2022 г.*

# *ТЕХНИК ТОПШИРИҚЛАР*

## *Балиқчи туман 36-умумтаьлим мактабига мини стадион қуриш ва воркаут мажмуасини қуриш ишлари учун*

*2022 год*

**"ТАСДИКЛАЙМАН"**
**Баликчи тумани ХТБ мудираси**
**______________ Н.Хакимова**

# Техник топширик

| № | Асосий маълумотлар | Баликчи тумани Халк таълими бўлими |
|---|---|---|
| 1 | Буюртмачи | Баликчи тумани Халк таълим бўлими |
| | Обьект номи | Баликчи тумани Халк таълими бўлими тасарруфидаги **36-мактабга мини стадион ва воркаут мажмуасини куриш ишлари** |
| | Танлов раками | https://etender.uzex.uz/home веб сайти |
| | Мижознинг манзили ва алокалари | Андижон вилояти Баликчи тумани Марказ МФЙ Баликчи шох куча 3-уй ИНН 206933474<br>ОКОНХ 92310 Баликчи тумани буйича Ғазначилик бўлинмаси<br>Газна х/р:23402000300100001010<br>СТИР: 201122919 МФО:00014<br>Марказий банк Тошкент ш. Б.б ХККМ |
| | Алока учун | Рахбарият телефони 74-323-13-46, 99-313-38-38 |
| | Танлов елонларини эълон килиниш шакли | Махсус маълумот портал https://etender.uzex.uz/home веб сайти |
| | Иштирокчилар танловда иштирок этиш | Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига мувофик |
| | Лицензияланган иш турлари | Лицензия ёки гувохнома талаб килинади. |
| | Иштирокчилар танлов хужжатларига аниклик киритиш учун ариза топшириш муддати | Танлов таклифи топшириш муддатидан 5 иш куни |
| | Танлов таклифнинг амал килиш муддати | Танлов таклифлари тугаганига кадар |
| | Танлов таклифнинг кабул килиш | Танлов электрон холда кабул килинади, Техник кисмида иштирокчининг барча керакли хужжатлари, иккинчи кисмида ва таклиф килинган нархнинг дастлабки хисоб китоби бўлиши керак, Агар иштирокчи томонидан 1 шарт бажарилмаса, иккинчи шартни инобат олишга йўл кўйилмайди. |
| | Керакли хужжатлар (зарур машина ва механизмлар, ускуналар, транспорт воситалари мавжудлиги, мажбурий тўловлардан карздорлиги йўклиги тўғрисида маълумотлар, корупция холатларига йўл кўймаслиги, Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилмаганлиги, шартнома тузиш учун конуний хукукка эгалик буюртмачи тавсифига кура, | Таклиф бераётган ташкилотлар томонидан такдим этилади. |
| | Танлов ва танлов таклифини очиш | Иштирокчилар хузурида амалга оширилади. |
| | Танлов таклифларининг бахолаш даври | Тендер тутаган кундан бошлаб 3 кун ортик эмас |
| | Шартномани бажариш учун хавфсизлик таъминоти | Олдиндан 30 фоиз аванс сифатида, колган 70 фоизи шартномани мажбуриятлари бажарилгандан сўнг |
| | Обьектнинг дастлабки бошлангич нархи | 548050000 сўм |
| | Танлов тили | Ўзбек ва рус тили |
| | Молиялаштириш манбаси | фукаролар ташаббусли жамғармасидан |
| | Шартнома валютаси | сўм. |

*Танлаш бўйича Техник Шартлар*

*Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:*

*ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун қуйидагича: Тўловлар : сумда амалга оширилади*

*хисобот китоб пул ўтказиш йўли билан амалгат ииирилади*

*Танлаш иштирикчиси таклифни давлат тилида факат ўзбек тилида берилсин*

*Хужжатларни асл холатидек жойлаштириш талаб этамиз*

*техник топшириқ;*

*Қонунга мувофиқ таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;*

*танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбур.*

*Бюджет ташкилотимиз харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини тасдиқлайди.*

*Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.*

*Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган лот бўйича электронни холатда тақдим этилади.*

*Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг ишнинг хизматнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.*

*Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.*

*Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.*

*Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.*

*Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади.*

*Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақтда танлаш комиссияси танлаш иштирокчилари томонидан берилган таклифлар баҳолаш учун очади. Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Танлашни ўтказишда иштирокчиларнинг бошлангич нархдан юқори бўлган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.*

*Агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлаш ўтказилган деб ҳисобланади.*

*Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади.*

*Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунида кўриб чикилади.*

*Расмийлаштирилган ҳужжатлар, тузилган шартномалар ва уларга доир қўшимча келишувлар тўғрисидаги ахборот улар расмийлаштирилган ёки тузилган санадан эътиборан уч иш кунидан*

кечиктирмай давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилади

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш

*иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.*

*Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.*

*Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.*

Бош хисобчиси : А.ТЎхтабоев

Мутахассис: З.Ўринбоев

*Тасдиқлайман*

*Балиқчи туман Ҳалқ таьлими бўлими бошлиғи*

*_____________ Н.Хакимова*

*«____»________2022 г.*

# *ТЕХНИК ХУЖЖАТЛАР*

## *Балиқчи туман 36-умумтаьлим мактабига мини стадион қуриш ва воркаут мажмуасини қуриш ишлари учун*

*2022 год*

"TASDIQLAYMAN"
Baliqchi tumani xalq ta'limi bo'limi
boshlig'i N.Hakimova

12.03.2022y.

# NUQSONLAR DALOLATNOMASI

Bizlar kim dalolatnoma tuzib quyida imzo chekuvchilar М. Юсупов, Х. Хамидов, Я. Ахмедов, Н. Дадамов Andijon viloyati Baliqchi tumani Qiyali MFY da joylashgan 36-maktab o'yingohini mukammal ta'mirlash ishlari bo'yicha tekshiruv o'tkazdik va quyidagi ishlarni amalga oshirish zarurligini aniqladik:

| N T.r. | Bajariladigan ishlar nomi | O'lchov birligi | Soni |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | **BO'LIM 1. MINI STADION** | | |
| 1 | KATKADA TUPROQNI MUSTAHKAMLASH, QALINLIK 20 SM | 1000M3 | 0.2400 |
| 2 | 0,25 M3 CHO'MICHLI EKSKOVATOR BILAN SAMOSVALGA YUKLAB YERGA ISHLOV BERISH, TUPROQ GURUHI 2 | 1000M3 | 0.0432 |
| 3 | ZOVUR QILISH | 100M3 | 0.0900 |
| 4 | FUNDAMENT OSTI QATLAMI SHAG'ALLI | M3 | 7.2000 |
| 5 | BETONLI TAYYORGARLIK | 100M3 | 0.0720 |
| 6 | MONOLIT BORTIK BM-200 | 100M3 | 0.2376 |
| 7 | 4 KG GACHA BO'LGAN QOTIRISH DETALLARINI O'RNATISH | T | 0.2000 |
| 8 | RESHETKASIMON KONSTRUKSIYA | T | 0.7710 |
| 9 | PROFILLI TRUBADAN METALL USTUN | T | 0.7710 |
| 10 | KVADRAT TEMIR TRUBA, O'LCHAMI 60X60 MM, QALINLIGI 3,5 MM | TH | 0.1370 |
| 11 | TO'RTBURCHAK TEMIR TRUBA 60X40X3 | TH | 0.6340 |
| 12 | METALL PROFILDAN OGRAJDENIYA | T | 1.2360 |
| 13 | KVADRAT TEMIR TRUBA, O'LCHAMI 40X40X3 | TH | 0.3180 |
| 14 | SETKA 50X50 D2,5MM | M2 | 540.0000 |
| 15 | SHAG'AL ASOS, BIR QATLAMI 25 SM | 1000M2 | 0.9680 |
| 16 | 27-04-005-1 DAN 27-04-005-3 GACHA NORMAGA QO'SHIMCHA 1 SM | 1000M2 | 0.9680 |
| 17 | SHAG'AL ASOS, BIR QATLAMI 10 SM | 1000M2 | 0.9680 |
| 18 | 27-04-005-1 DAN 27-04-005-3 GACHA NORMAGA QO'SHIMCHA 1 SM | 1000M2 | 0.9680 |
| 19 | SHAG'AL TO'SHAMA | 100M3 | 0.4840 |
| 20 | SINTETIK CHIM | 100M2 | 9.6800 |
| 21 | METALL RESHETKALARNI MOYLI BO'YASH, 2 MARTA | 100M2 | 5.4000 |
| 22 | ELEKTR SIM TORTISH | 100M | 1.5000 |
| 23 | MIS SIM 2X1,5 | 1000M | 0.1500 |
| 24 | GOFRA SHLANG TORTISH, DIAMETR, MM, 25 GACHA | 100M | 1.5500 |
| 25 | GOFRA SHLANG 20MM | M | 155.0000 |
| 26 | PROJEKTOR O'RNATISH, USTUNGA | 100ШТ | 0.0600 |
| 27 | PROJEKTOR LED FL-COB150W 6000K 220-240VAC PRIME | ШТ | 6.0000 |
| | **BO'LIM 2. VORKOUT** | | |
| 28 | KATKADA TUPROQNI MUSTAHKAMLASH, QALINLIK 20 SM | 1000M3 | 0.2500 |
| 29 | YERGA QO'LDA ISHLOV BERISH | 100M3 | 0.5270 |
| 30 | FUNDAMENT OSTI QATLAMI SHAG'ALLI | M3 | 0.9000 |
| 31 | BETONLI TAYYORGARLIK | 100M3 | 0.0090 |
| 32 | MONOLIT BORTIK BM-200 | 100M3 | 0.0360 |
| 33 | 4 KG GACHA BO'LGAN QOTIRISH DETALLARINI O'RNATISH | T | 0.2000 |
| 34 | RESHETKASIMON KONSTRUKSIYA | T | 1.2570 |
| 35 | PROFILLI TRUBADAN METALL USTUN | T | 1.2570 |
| 36 | KVADRAT TEMIR TRUBA, O'LCHAMI 60X60 MM, QALINLIGI 3,5 MM | TH | 0.4830 |
| 37 | TO'RTBURCHAK TEMIR TRUBA 60X40X3 | TH | 0.7740 |
| 38 | METALL PROFILDAN OGRAJDENIYA | T | 0.6350 |
| 39 | KVADRAT TEMIR TRUBA, O'LCHAMI 40X40X3 | TH | 0.2520 |
| 40 | SETKA 50X50 D2,5MM | M2 | 225.0000 |
| 41 | TUPROQNI SHAG'AL BILAN MUSTAHKAMLASH | 100M2 | 2.5000 |
| 42 | BETONLI TO'SHAMA | M3 | 25.0000 |
| 43 | SEMENT STYAJKA 20 MM | 100M2 | 2.5000 |
| 44 | BETON POLLARNI MOYLI BO'YASH, 2 MARTA | 100M2 | 1.5000 |

| 1 | 2 | 3 | 4 |
|---|---|---|---|
| 45 | POLGA SPORT QOPLAMA QOPLASH | 100М2 | 1.0000 |
| 46 | SPORT POL QOPLAMASI «LGHAUSYS REXCOURT», «GERFLOR RECREATION» QALINLIGI 4,5-6,5 MM, ENI 1,8 M | М2 | 100.0000 |
| | JIHOZLAR | | |
| 47 | SKAMEYKA | ШТ | 2.0000 |
| 48 | STRITBOL SHITI USTUNI BILAN | КОМП | 1.0000 |
| 49 | VORKOUT TRENAJER JIHOZLARI | КОМП | 1.0000 |

36-мактаб директори: Юсупов М

36-мактаб ХИБДУ: Хамдамов Х

36-мактаб КУК: Ахмедов Я

ЖТБ бош мутахассис: Долимов Н

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Андижон вилояти

Andijon viloyati 170100, Andijon Shahri, A.Navoiy shox ko'chasi 30-uy. Tel/Faks (374) 223-57-82, E-mail: ekspert-2312@mail.ru. www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Direktor: MASHRAPOV AXRORBEK AKRAMOVICH
Sana:15-06-2022 yil

**Yig'ma ekspert xulosasi № 47069**

**Obyekt nomi** «Andijon viloyati Baliqchi tumani Qiyali MFY da joylashgan 36-maktab o'yingohini mukammal ta'mirlash»

**Buyurtmachi -** "Texnoproekt" MChJ
**Bosh loyihachi -** "Texnoproekt" MChJ
**Litsenziya** AL-000148 sonli O`zbekiston Respublikasi qurilish vazirligi tomonidan 10.08.2019 yilda berilgan, cheksiz
**Moliyalashtirish manbai -** Byudjet mablag'lari hisobidan
**Bosh pudratchi** – tender savdolari orqali
**Qurilish turi** mukammal ta`mirlash
**Murojaat raqami:** № 40284

**1. Loyihalash uchun asos**

Xalq deputatlari Baliqchi tumani kengashining 26.04.2022 yildagi №VI-29-22-1-18-K/22-sonli qarori.

Baliqchi tumani №36-umumtalim maktabi tomonidan tasdiqlangan loyixalash topshirig`i.

Baliqchi tumani Xalq ta`limi bo`limi tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan nuqsonlar dalolatnomasi.

Buyurtmachi hamda loyiha tashkiloti bilan tuzilgan 2022 yildagi №05-22-sonli shartnoma.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

Lokal resurs xujjatlar.

Tushuntirish xatlari.

Yig'ma lokal xujjatlar.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

Peshxisob xisoblari bo'yicha: "Andijon viloyati Baliqchi tumani Qiyali MFY da joylashgan 36-maktab o'yingohini mukammal ta'mirlash", ob'ekti peshxisob xisoblari bo'yicha, tasdiqlangan nuqson dalolatnoma asosida quyidagi ish turlari bajarilishi ko'zda tutilgan: Katkada tuproqni mustaxkamlash. Ekskovator bilan samosvalga yuklab yerga ishlov berish. Zovur qazish. Poydevor ostiga shag`al to`shama to`shash va beton qorishma yotqizish. Monolit beton quyish. Qotirish detallarini o`rnatish. Reshetkasimon konstruksiyalarni o`rnatish. Metal profil ustun, metal to`siqni montaj qilish. Ostki qatlamga sheben yotqizish va qum to`shama tashlash. Sintetik chim yotqizish. Metal yuzalarini moyli bo`yoq bilan bo`yash.

Bundan tashqari, tasdiqlangan nuqson dalolatnoma asosida elektr tarmog`i, vorkout ishlarini bajarish va jixozlarni o`rnatish ko'zda tutilgan.

Xisob kitob uchun "Resurslar metodi"dan foydalanildi.

**4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

**5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

**6. Ekspertiza natijalari.**

Tushuntirish xatining tartibga keltirilishi.

Ish xaqi xarajatlari Vaqtinchalik tartib bilan kelishilgan xolda tartib asosida aniqlangan:

- Quruvchilarning o'rtacha oylik ish xaqi xisobotlar asosida keltirilgan.

- Ijtimoiy sug'urtaga xisoblanish 2022 yil ko'rsatkichlari asosida qabul qilingan.

Pudratchi xarajatlari ShNK-4.01.16-09ga asosan keltirilgan.

Buyurtmachi xarajatlari xisobga olinmagan.

Tavakkalchilik kooeffitsienti xisobga olinmagan.

Mashina va maxsulotlar qiymati tegishli me`yoriy xujjatlar asosida aniqlik kiritilgan.

Ijtimoiy sug'urtaga o'tkazmalarni aniqlash uchun O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 04.12.2014 yildagi PFP-2270 sonli Farmoniga kiritilgan №25 sonli ilovadan foydalanish zarur.

Taqdim etilgan 15% QQS bilan hisoblangan umumiy miqdori 575438,172 ming so'mni tashkil qilgan. Ekspertiza ko'rigidan so'ng 9501,188 ming so'm 2022 yil I-kavrtal katalogi asosida to`g`rilangan local smeta qismi, qurilish materiallari narhlari va ishchilarning ish haqqi xisobiga kamaytirildi.

**7. Xulosalar.**

Peshxisob xisoblari bo'yicha: "Andijon viloyati Baliqchi tumani Qiyali MFY da joylashgan 36-maktab o'yingohini mukammal ta'mirlash", ob'ektini quyidagi texnika-iqtisodiy ko'rsatkichlariga ko'ra keyingi kelishuv va tender savdolarini o'tkazish uchun tavsiya etiladi:

Me'yoriy mehnat sarfi - 279,114 kishi/kun.

Joriy narxdagi tavsiyaviy (boshlang'ich)

miqdori 15% QQS bilan - 565936,984 ming so'm.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003 yildagi 261-sonli qarori va ShNK 4.01.16-09 me'yorlariga muvofiq tanlov savdolarini o`tkazish uchun ob'ektning qiymati buyurtmachi tomondan belgilanadi. Tasdiqlash uchun tavsiya etilgan ta'mirlash va qurilish ishlari narxi boshlang`ich xisoblanib, asosiy qarorni buyurtmachi va bosh pudrat korhonasi tomonidan shartnomaviy munosabatlar orqali amalga oshiriladi.

ShNK 1.03.06-13da «Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaxarsozlik xujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyixalashtirish jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarning ishonchliligi bo`yicha) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyixa qarorlari bo'yicha) yuklatiladi».

**Bosh mutaxassis:** Xaldarov Jur'at Alimdjanovich

# XALQ DEPUTATLARI BALIQCHI TUMAN KENGASHI QARORI

2022 - yil 26 - aprel VI-29-22-1-18-K/22 Baliqchi tuman hokimligi

## Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга овоз бериш бўйича ғолиб деб топилган тадбирлар учун маблағ ажратиш тўғрисида

Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори билан тасдиқланган “Туман бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакиллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида”ги низомининг 20-моддасига асосан фуқаролар томонидан билдирилган таклифларнинг амалга оширишнинг умумий киймати лойиҳа-смета ва экспертиза хужжатларига асосан 5 фоизгача кўпайтиришга йўл қўйилиши белгиланган.

Маҳаллий бюджет маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши устидан депутатлар назоратини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги
КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 24–моддасига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

**Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И :**

1. Жорий йил 1 февралдан 22 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг openbudget.uz расмий веб сайти орқали, фуқаролар томонидан турли маъзмундаги жами 173 та таклифлар билдирилганлиги, халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори билан тасдиқланган ишчи комиссия томонидан таклифларнинг белгиланган мезонларга мувофиқлиги ҳамда тадбирлар амалга оширилиши имкониятларини ўрганган ҳолда ишчи комиссия таклифлар бўйича ҳар бир тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағнинг дастлабки миқдори аниқланиб 173 та таклифлар кўриб чиқилиб белгиланган меъзонлар асосида танлаб олиш (модерация) жараёнидан 121 таси қабул қилиниб ушбулар овоз бериш жараёнига ўтказилганлиги, 52 та таклиф эса рад этилганлиги тўғрисидаги хамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” (openbudget.uz) расмий веб сайти ахборот порталида фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга жорий йилнинг 5 март кунидан 1 апрел кунига қадар овоз бериш жараёнлари ўтказилганлиги ва ушбу жараёнда 12 та таклифлар энг кўп овоз йиғиб ажратилган маблағ доирасида ғолиб деб топилганлиги, 2022 йил 1-чорак якуни бўйича маҳаллий бюджетнинг даромадларини орттириб бажарилган қисми ва ушбу маблағларнинг туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатларига йўналтириш юзасидан туман молия бўлими мудири вазифасини вақтинча бажарувчи И.Джўраевнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” (openbudget.uz) расмий веб сайти ахборот порталида фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга жорий йилнинг 5 март кунидан 1 апрел кунига қадар овоз бериш жараёнлари ўтказилганлиги ва ушбу жараёнда 12 та таклиф энг кўп овоз йиғиб ажратилган маблағлар, яъни 5 млрд 433 млн. сўм маблағ доирасида ғолиб деб топилганлиги тасдиқлансин;

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” (openbudget.uz) расмий веб сайти ахборот порталида фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга кўра ғолиб деб топилган

йўналишларга 1-иловга мувофиқ 5 млрд. 435 млн. сўм маблағлар ажртилсин;

4. Балиқчи туман Гўравон МФЙда жойлашган 4-мактаб биносини иситиш тизимини таъмирлаш харажатига туман маҳаллий бюджетининг 1-чоракда орттириб бажарилган маблағлари ҳисобидан 2 млн. сўм қўшиб берилиши таъминлансин;

5. Туман маҳаллий бюджетининг 1-чоракда даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми ва ушбу маблағларнинг туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатларига йўналтириш бўйича таклифига 2-иловага мувофиқ розилик берилсин.

6. Туман молия бўлими ҳамда туман ғазначилик бўлинмси (Л.Солиев)га “Фуқаролар ташаббуси” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2-иловага мувофиқ маблағларни тегишли тартибда ажратилишини ҳамда ўрнатилган тартиблар асосида молиялаштирилишини ҳамда “Фуқаролар ташаббуси” жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағларни тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан мақсадли сарфланишини назоратини таъминласинлар.

7. Ишчи комиссияга ва туман молия бўлимига хар чорак якуни бўйича халқ депутатлари туман Кенгашига маблағларни ажратилиши, сарфланиши ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича ахборот бериб бориш вазифаси юклатилсин.

8. Балиқчи туман ҳокимлиги матбуот хизмати (М.Каримов), туман “Ғалаба газетаси (Ш.Каримова) жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларнинг молиялаштирилиши ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор ижросининг таъминлаш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (С.Рахимов), туман хокимнинг ўринбосари (М.Маматов)лар зиммаларига юклатилсин.

10. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш,

иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

**Baliqchi tuman hokimi** **J.Abdurayimov**

Xalq deputatlari Baliqchi tuman
Kengashining
2022 yil 26 apreldagi
VI-29-22-1-18-K/22-son qaroriga
1-ilova

## "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали Балиқчи туманида 2022 йил апрель ойида ғолиб деб топилган тадбирларни молиялаштириш бўйича МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

| № | Ғолиблар тўғрисида қисқача маълумотлар | Тўплаган овоз сони | Ажратилади-ган маблағ (млн. сўм) | Молиялаш-тириш манбааси | Буюртмачи |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Балиқчи туман Маллачек МФЙ 22 мактабга мини стадион қуриш | 1871 | 565,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълими |
| 2 | Балиқчи туман Эшончек МФЙ жолашган 11-мактаб | 1708 | 1 000,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълими |
| 3 | Балиқчи туман Олимбек худуди Истиклол МФЙ Мавжуд стадиони тамирлаш | 1579 | 900,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълими |
| 4 | Балиқчи тумани Қияли МФЙ жойлашган 36-мактаб мини стадион | 1320 | 565,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълими |
| 5 | Балиқчи туман маданят уйларини тамирлаш | 1296 | 100 000,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бошқармаси |
| 6 | Балиқчи туман Омонариқ МФЙ Чинобод маркази футбол ўйингохини тамирлаш | 1265 | 900,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ талими |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 7 | Балиқчи туман Жасорат МФЙ жойлашган 8-мактаб иситиш тизимини таъмирлаш | 1223 | 250,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълими |
| 8 | Балиқчи туман Сиза МФЙ Кўк гўнли ота қабристонини таъмирлаш | 1207 | 200,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бошқармаси |
| 9 | Балиқчи туман Тулкиобод МФЙда жойлашган 26 мактаб иситиш тизимини таъмирлаш | 1141 | 420,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълими |
| 10 | Балиқчи туман Оқтепа МФЙ маҳаллага кириш қисмига стелла ўрнатиш | 1108 | 70,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бошқармаси |
| 11 | Балиқчи туман Оқтепа МФЙда жойлашган 49-мактаб иситиш тизимини таъмирлаш | 1106 | 115,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълими |
| 12 | Балиқчи туман Гўравон МФЙда жойлашган 4-мактаб иситиш тизимини таъмирлаш | 1053 | 350,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълими |
| х | Жами | х | 5435,0 | х | х |